

Амири Хамид, Абу Мухаммад
(?- Бухоро - 954)
(943-954)

Сомонийлар давлати амири, амир Наср ИИ ибн Ахмаднинг ўгли. Отаси 30 йил хукмронлик қилгач, тириклик пайтида тахтни унга топширган (943-йил 10-апрел). Бухоро қозиси, фихр илмининг билимдони Абулфазл Марвазий (946-йил вафот этган) унинг вазири бўлган. Нух ибн Наср мамлакатда кенг ёйилган қарматийлар ҳаракатини бартараф этиш чораларини қўрган. Мовароуннаҳрдаги бу ҳаракат раҳбари Мухаммад ибн Аҳмад Наршабийни Бухорода дорға остирди. Бироқ Сомонийлар давлатининг молиявий аҳволи оғирлашганлиги учун у солиқ ва турли турмушларни қўпайтиришга мажбур бўлган. Мамлакатда исён ва ғалаёнлар қўчайган. Наршахийнинг ёзишича, ҳатто унинг амакиси Абу Ишқ Иброҳим ибн Аҳмад Ироқдан келиб, Нишопур амири Абу Али Сагоний ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаб олган (947). Орадан қўп ўтмай Нух ибн Наср Самарқанддан қайтиб, тахтни қайтариб олгач, марказий ҳокимиятга қарши исён қўтарган қариндош-уруғларини жазолаган, Марвдаги исёнларни ҳам бостирган. Аммо у Абу Алини аввал Чағонийён, сўнгра Хуросонга ҳоким қилиб (952) тайинлашга мажбур бўлган. Сомонийлар давлати инқирозини тўхтатишга ҳаракат қилган. Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асари (943-944)ни унга бағишлаган. Оғир касалликдан сўнг Бухорода вафот этган.